# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

**2022 ЙИЛ — ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ**

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2022 йил 22 сентябрь, № 207 (8269) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# КИМЁ САНОАТИДАГИ НАТИЖАЛАР ВА ЯНГИ ЛОЙИҲАЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев 21 сентябрь куни кимё саноатида эришилган асосий кўрсаткичлар ва режалаштирилган лойиҳалар тақдимоти билан танишди.**

Ислоҳотлар натижасида кимё саноатида маҳсулот тури кўпайиб, рентабеллик ошди. Жорий йилнинг 8 ойида 1 миллион тоннадан зиёд минерал ўғит ишлаб чиқарилди. Экспорт қарийб 2 баравар кўпайиб, 330 миллион долларга етди.

Яна бир муҳим жиҳати, соҳага инвесторларнинг ишончи ортиб, сармоя киритишни бошлади. Жумладан, бугунги кунда хусусий сектор кимё тармоғида 2 миллиард долларлик 15 та лойиҳани амалга оширмоқда. Уларнинг 5 таси яқинда ишга тушди.

Шу билан бирга, соҳани юқори қийматли маҳсулот ишлаб чиқарадиган тармоққа айлантириш бўйича ҳали қилинадиган ишлар кўп. Корхоналарни хомашё билан таъминлаш ва технологик янгилаш, кимё кластерлари ташкил этиш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш зарур.

Тақдимотда шу борада бажарилган ишлар ва йил якунигача кутилаётган натижалар тўғрисида маълумот берилди.

Давлатимиз раҳбари бу соҳадаги келгуси вазифаларни кўрсатиб ўтди.

Маълумки, Қорақалпоғистон Республикаси, Фарғона, Навоий ва Тошкент вилоятларидаги йирик корхоналар негизида 4 та кимё кластери ташкил этилмоқда. Улар хомашёдан тайёр маҳсулотгача ишлаб чиқарадиган бўлади. Ҳозирда 1,8 миллиард долларлик 14 та лойиҳа амалга оширилмоқда ва 5,6 миллиард долларлик яна 29 та лойиҳа режалаштирилган.

Президентимиз ушбу кластерлар фаолиятини самарали йўлга қўйиш учун лойиҳа офиси тузиш, бўш турган майдонларни лотларга ажратиб, хусусий инвесторларни жалб этиш кераклигини айтди.

Кимё заводларида илғор тажриба ва замонавий технологияларни жорий этиш, улардаги давлат улушини хусусийлаштириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Дунёдаги ҳозирги мураккаб вазиятда қишлоқ хўжалигини минерал ўғит билан узлуксиз таъминлаш муҳимлиги таъкидланди.

Бозорда ҳамиша талаб бўлган яна бир йўналиш — маиший кимё воситалари. Ҳозирча бу талабнинг катта қисми импорт ҳисобидан қопланмоқда. Маҳаллий маҳсулотларнинг ўрнини ошириш учун хомашё ва сифат керак. Шу боис бу йўналишда хусусий секторга кенг ўрин бериб, уларни хомашё билан таъминлаш, халқаро брендларни олиб келиш вазифаси қўйилди.

**ЎзА.**

# ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ТАШАББУСЛАРИ — ЭКСПЕРТЛАР НИГОҲИДА

*15-16 сентябрь кунлари инсоният цивилизациясида муҳим роль ўйнаган, тарих саҳифаларида номи зарҳал ҳарфлар билан ёзилган ва ўчмас из қолдирган кўҳна ва навқирон Самарқандда дунёнинг қарийб ярим аҳолиси истиқомат қиладиган мамлакатлар раҳбарлари жам бўлди. Яъни Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгаши мажлисида ШҲТ фаолиятининг муҳим соҳаларидаги ҳамкорлик ҳолати ва уни ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди.*

*ШҲТ Давлат раҳбарлари кенгашининг Самарқанд декларацияси тадбирнинг бош якуний ҳужжати бўлди. Жами 44 та ҳужжат — битим, концепция, дастурлар ва бошқа қарорлар қабул қилинди.*

*Экспертлар тадбирда кўриб чиқилган масалалар ва мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган таклиф ва ташаббусларга ўз муносабатларини билдирмоқда.*




## Акс садо



**Камран ГАСИМОВ, эксперт (Озарбайжон):**

— Кейинги йилларда Ўзбекистон минтақалар ўртасида ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлаш ва самарали транспорт йўлакларини яратиш ташаббускори сифатида майдонга чиқмоқда. Айнан мамлакатингиз ташаббуси билан ШҲТнинг ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлаш ва самарали транспорт йўлакларини яратиш концепцияси қабул қилинди. Энди уни амалга ошириш механизмлари ва воситалари ҳам керак бўлади. Шу боис концепциянинг асосий қоидаларини амалиётга татбиқ этиш мақсадида Ўзбекистон раҳбари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг қўллаб-қувватлаши остида Тошкент шаҳрида Минтақалараро ўзаро боғлиқлик марказини ташкил қилишни таклиф этди.

Эътиборлиси, саммит доирасида Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўли қурилиши тўғрисида уч томонлама тарихий битим имзоланди. Яна бир муҳим лойиҳа — Термиз — Мозори-Шариф — Кобул — Пешовар темир йўли коридори қурилиши ҳам кун тартибида. Ушбу икки лойиҳанинг амалга оширилиши ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлаш, ўзаро савдо ва инвестицияларни кўпайтириш, умуман олганда, ШҲТ маконида барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш учун кенг имкониятлар очади. Келажакда бу лойиҳаларни Транскаспий коридори билан боғлаш мумкин бўлади. Натижада бу Европадан тортиб Хитойгача бўлган улкан ҳудудда маҳсулотлар ташувини енгиллаштиради, транспорт транзит имкониятларини оширади. Озарбайжон мазкур масалада Ўзбекистон позициясини доимо қўллаб-қувватлаб келган.

Денгиз портларига чиқиш ҳамда бу бўйича қулай транспорт коридорларини яратиш Ўзбекистон учун стратегик вазифа. Бусиз дунё билан савдо-сотиқ қилиш, миллий маҳсулотларнинг ҳамёнбоплигини таъминлаш, экспорт салоҳиятини ошириб, иқтисодий тараққиёт сари илдамлаш имконсиз. Бу ва бошқа транспорт ва коммуникациялар соҳасидаги барча истиқболли лойиҳалар келгуси йили Президент Мирзиёев ташаббуси билан Ўзбекистонда ШҲТ биринчи транспорт форуми доирасида муҳокама қилинадиган бўлди.

➡ 2

# МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИГА ДОИР ҲАМКОРЛИКНИ ФАОЛЛАШТИРИШГА КЕЛИШИБ ОЛИНДИ

*Кеча Олий Мажлис Сенати Раиси, Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш бўйича миллий комиссияси раиси Танзила Норбоева юртимизга Марказий Осиё мамлакатлари касаба уюшмалари кенгашининг навбатдаги йиғилишида иштирок этиш учун ташриф буюрган Халқаро меҳнат ташкилоти, Халқаро касаба уюшмалари конфедерацияси вакиллари, Марказий Осиё мамлакатлари ва Мўғулистон касаба уюшмалари раҳбарлари билан учрашди.*

## Мулоқот

Учрашувда Т. Норбоева мамлакатимизда сўнгги йилларда Президент Шавкат Мирзиёевнинг ташаббускорлиги натижасида меҳнат муносабатлари тизимида сезиларли ўзгаришлар бўлгани ҳамда соҳада ташкилий-ҳуқуқий, қонунчилик ва халқаро стандартларни жорий этиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилганлигини таъкидлади.

Мулоқот давомида болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш, муносиб меҳнат тамойилларини амалиётга татбиқ этиш бўйича халқаро майдонда тан олинган Ўзбекистон тажрибаси ҳам алоҳида тилга олинди.

Шунингдек, болалар меҳнатини ва мажбурий меҳнатнинг олдини олиш борасида фуқаролик жамияти институтлари, касаба уюшмалари, халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатлар билан самарали алоқалар йўлга қўйилгани айтилди. Жумладан, сўнгги йилларда Халқаро меҳнат ташкилоти билан биргаликда болалар меҳнатига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш ҳамда муносиб меҳнат шароитини яратиш чоралари кўриб келинмоқда.

Ўз навбатида, мулоқотда меҳнат муносабатларини такомиллаштиришда минтақавий ҳамда халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, ушбу жараёнларда касаба уюшмалари фаолиятини мустаҳкамлаш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Жумладан, 2021 йилда Ўзбекистон ташаббуси билан ташкил этилган Марказий Осиё мамлакатлари касаба уюшмалари кенгашининг фаолиятига алоҳида урғу берилди.

Қайд этилганидек, кенгаш ўтган даврдаги фаолияти давомида қатор тадбирларни амалга оширди. Хусусан, меҳнат муносабатларини такомиллаштириш йўналишида минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш ишларига муносиб ҳисса қўшиб келаётир.

Учрашувда меҳнат муносабатларига доир шерикликдаги лойиҳаларни фаоллаштиришга келишиб олинди.

**«Халқ сўзи».**

## «Ҳукумат соати»

# ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯНИ ОММАЛАШТИРИШ БОРАСИДАГИ ИШЛАР ҚОНИҚАРЛИМИ?

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасида навбатдаги “Ҳукумат соати” бўлиб ўтди. Унда депутатлар “Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, аҳолининг барча қатламини, айниқса, ёшларни жисмоний тарбия ва оммавий спорт билан мунтазам шуғулланишга жалб қилиш бўйича амалга оширилаётган ишлар тўғрисида”ги масалани муҳокама қилдилар.*

Кун тартибидаги масала юзасидан депутатларнинг саволларига Ўзбекистон Республикаси спортни ривожлантириш вазири А. Икромов жавоб берди.

Халқ вакиллари маҳаллаларда ёшларнинг спорт билан шуғулланишлари учун зарур инфратузилмани яратиш, кенг тарқалган оммавий спорт турлари асосида республика мусобақаларини ўтказиш тизимини жорий этиш бўйича амалга оширилаётган ишлар билан қизиқди.

Вазир таъкидлаганидек, давлатимиз раҳбарининг “Маҳаллаларда ёшларни оммавий спортга жалб қилишни янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, “Беш ташаббус олимпиадаси” доирасида енгил атлетика, волейбол, стритбол, шахмат, шашка, стол тенниси, футбол, минифутбол ва воркаут спорт турлари бўйича маҳаллаларда истиқомат қилувчи ёшлар ўртасида йилига икки мавсумда спорт мусобақаларини ўтказиш тизими жорий этилди.

➡ 3

## Биз ва жаҳон

# ОЛМА-ОТАДА ЎЗБЕКИСТОН ТОВАР-ХОМАШЁ БИРЖАСИ ВАКОЛАТХОНАСИ ОЧИЛДИ

*Олма-ота шаҳридаги “Кен Дала” бизнес марказида “Ўзбекистон республика товар-хомашё биржаси” акциядорлик жамиятининг Қозоғистондаги ваколатхонасининг очилиш маросими бўлиб ўтди.*

Тадбирда Ўзбекистон республика товар-хомашё биржаси раиси Зиёвиддин Бадриддинов бошчилигидаги делегация, Қозоғистон ишбилармон доиралари вакиллари, мамлакатимизнинг ушбу шаҳардаги Бош консулхонаси ходимлари иштирок этди.

Ўзбекистон республика товар-хомашё биржаси раиси иштирокчиларга товар биржасида савдо ҳажмини ошириш, хорижий ҳамкорлар, жаҳоннинг етакчи биржалари, халқаро молия ташкилотлари ва тузилмалари билан ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш, шунингдек, ташқи савдо майдончалари тармоғи, биржа савдоларини кенгайтириш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақидаги маълумотлар билан ўртоқлашди.

➡ 3

# ЗИЁРАТ ТУРИЗМИ — ЎЗБЕКИСТОННИНГ «ТАШРИФ ҚОҒОЗИ»



*Сўнгги йилларда мамлакатимизда туризм соҳаси ривожига катта эътибор қаратилмоқда. Сабаби иқтисодиётнинг етакчи йўналишига айланиб, маҳаллий ва Давлат бюджетига фойда келтириш, иш ўринларини яратиш, умуман, аҳолининг турмуш фаровонлигини яхшилашга хизмат қилмоқда. Туризм — туганмас бойлик, аммо ундан оқилона ва самарали фойдаланилсагина даромад манбаига айланади.*

## Қадамжолар

Шу йилнинг 19 сентябрь куни Президентимиз раислигида мамлакатимизнинг ички ва ташқи туризм салоҳиятини янада ошириш чора-тадбирларига бағишланган йиғилиш ҳам юқоридаги вазифаларга қаратилгани билан долзарблик касб этди.

Дунёда туризмнинг 200 дан ортиқ тури бўлиб, улар орасида зиёрат туризми тез ривожланаётган, оммалашаётган ва истиқболли йўналишларидан ҳисобланади. Мамлакатимизда илгари тарихий, маданий туризм билан чекланиб қолинган бўлса, охирги беш йилда янги йўналишлар қаторида сафари (чўл), этнографик, гастрономик, зиёрат туризмига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чунки Ўзбекистон бу борада юқори салоҳиятга эга бўлиб, имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмаётгани айни ҳақиқат.

➡ 4

## Таҳлил

# МАДАНИЯТ ОБЪЕКТЛАРИ ВА СПОРТ ИНШООТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ҲОЛАТИ ЎРГАНИЛДИ

*Айни кунларда сенаторлар жойларда бўлиб, Олий Мажлис Сенатининг ўттиз иккинчи ялпи мажлисида кўрилган масалаларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини тушунтиришга йўналтирилган тадбирларда иштирок этмоқда. Шунингдек, улар тегишли ҳужжатлар ижросини ўрганмоқда ва фуқаролар мурожаатларига ечим топиш чораларини кўрмоқда.*

Хусусан, парламент юқори палатасининг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзолари томонидан Қорақалпоғистондаги маданият объектлари ва спорт иншоотларидан қандай фойдаланилаётгани атрофлича ўрганилмоқда.

Эътиборлиси, жараёнларга Ёшлар парламенти аъзолари, мутасадди вазирлик ва идоралар вакиллари ҳам жалб этилган бўлиб, бу ўрганишлар янада самарали бўлишига хизмат қилаётир.

Даставвал Элликқалъа, Тўрткўл ва Беруний туманларида ўрганишлар ўтказилди. Ушбу туманларда фаолият олиб бораётган маданият марказлари, болалар мусиқа ва санъат мактаблари, маданият ва истироҳат боғлари ҳамда ихтисослаштирилган спорт мактаблари, сузиш ҳавзалари ва бошқа спорт иншоотлари фаолияти таҳлил қилинди.

➡ 3

# ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ТАШАББУСЛАРИ — ЭКСПЕРТЛАР НИГОҲИДА

◄1

**Дипанжан Рой ЧАУДХУРИ, эксперт (Ҳиндистон):**



— Экологик муаммолар дунёнинг, таъбир жоиз бўлса, энг катта “бошоғриғи”га айланди. Чунки иқлим ўзгаришидан ҳеч ким четда эмас.

Шунинг учун ҳам ШҲТ саммитида биринчи марта экология масаласига жиддий эътибор қаратилди. Иқлим ўзгаришига муносабат бўйича қўшма баёнот қабул қилиш орқали ШҲТ ушбу хавф-хатар ва таҳдидларга қарши курашишда бирдамликни намоён этмоқда. Шу билан бирга, ҳаётий ўта муҳим бўлган ушбу соҳада амалий ҳамкорликнинг янги механизмлари ва шакллари зарур.

Айни мақсадда Ўзбекистон Президенти томонидан ўз таркибида сиёсатчилар, жамоат арбоблари, олимлар ва эксперт-экологлар, бизнес вакилларини бирлаштирадиган ШҲТнинг Иқлим кенгашини тузишни таклиф қилиши таҳсинга сазовор таклиф, деб ўйлайман. Бундай формат иқлимга мослашиш лойиҳаларини илгари суриш, чўлланишга ва тупроқ деградациясига қарши курашиш, сувни тежайдиган технологияларни жорий этишдаги ҳамкорлик самарадорлигини оширишга имкон беради.

Бу масала Орол денгизи экологик фожиасининг ҳалокатли оқибатларини бартараф этиш нуқтаи назаридан ҳам алоҳида долзарб аҳамиятга эга.

**Бобур УСМАНОВ, Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти директорининг ўринбосари:**



— Айтиш мумкинки, ШҲТнинг Самарқанд саммитида Ўзбекистоннинг раислиги сарҳисоб қилинди. Иштирокчилар Ўзбекистоннинг ташкилот доирасидаги амалий ҳамкорликни фаоллаштириш, унинг салоҳияти ва халқаро нуфузини оширишга қаратилган фаолиятига юксак баҳо берди.

Ташкилот фаолиятининг барча соҳасида кўплаб ташаббуслар амалга оширилди. Пандемия ва глобал инқироз оқибатларига қарамасдан, раислик режасини тўлиқ амалга оширишга эришилди. 80 дан ортиқ йирик тадбирлар ўтказилди. Ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлар натижалари қабул қилинган 40 дан ортиқ ҳужжатларда ўз ифодасини топди.

Дунёда ишонч ва ўзаро бир-бирини тушуниш тақчиллиги сезилаётган, қарама-қаршиликлар ва можаролар кузатилаётган бугунги шароитда барқарорлик ва хавфсизликка нисбатан кўплаб таҳдидлар кучайди. Иқлим ўзгариши, сув ва табиий ресурслар етишмаслиги, пандемиянинг ижтимоий-иқтисодий оқибатлари, энергетика ва озиқ-овқат хавфсизлиги инқирози каби замонанинг ўткир муаммолари барқарор ривожланиш учун жиддий хавф туғдирмоқда. Ўзаро ишонч, адолат ва ҳамжиҳатликка талаб глобал миқёсда тобора ортиб бормоқда. Шу муносабат билан очиқ ва конструктив мулоқотни давом эттириш ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ талаб этилмоқда. ШҲТ фаолияти шундай мулоқотни амалга ошириш мумкинлигини дунёга намоён этди. ШҲТ очиқлик ва блокларга қўшилмаслик тамойилларига қатъий содиқлиги туфайли иштирокчи мамлакатлар ўртасидаги ўзаро манфаатли муносабатларни мустаҳкамлаб, халқаро ҳамкорликни муваффақиятли тарзда чуқурлаштирмоқда. ШҲТ таркиби кенгайиб, шериклик муносабатлари ривожланиб бормоқда.

Саммитда Эрон Ислом Республикасининг ташкилотга тўлақонли аъзо сифатидаги мажбуриятлари тўғрисидаги меморандум имзоланди.

Бундан ташқари, Беларусь Республикасига ШҲТнинг тўлақонли аъзоси, Баҳрайн Подшоҳлиги, Кувайт, Мальдив Республикаси, Бирлашган Араб Амирликлари ва Мьянма Иттифоқи Республикасига мулоқот бўйича шериклар мақомини бериш юзасидан жараёнларни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилинди.

ШҲТнинг географик қамрови кенгаётгани ўз мисолида самарадорлик, ўзаро бир-бирини тушуниш ва амалий саъй-ҳаракатларни намойиш этаётган ташкилот фаолиятининг долзарблигини яна бир бор тасдиқлади.

**Авазбек ХОЛБЕКОВ, «Тараққиёт стратегияси» маркази бўлим бошлиғи:**

— ШҲТ ўз тараққиётининг янги босқичига қадам қўйди. Шундай бир шароитда ҳамкорликнинг кўплаб устувор вазифаларини биргаликда ҳал этиш масъулияти турибди.

Шу нуқтаи назардан, давлатимиз раҳбари ўз нутқида, авваламбор, ташкилотнинг блокларга қўшилмаслик мақомини ва унинг очиқлигини сақлаб қолиш муҳимлигига эътиборни қаратди. Ташкилот ўз Хартиясига кўра, хавфсизликнинг яхлитлик тамойилига қатъий риоя қилади.



Демак, ШҲТнинг фаолияти кенг ҳамкорликка йўналтирилган бўлиши лозим. Айни пайтда Ўзбекистон ШҲТда Марказий Осиёнинг “географик ядроси” мақомини сақлаб қолиши тарафдори. “Шанхай руҳи” тамойиллари асосида бирдамлик, ўзаро қўллаб-қувватлаш ва шерикликни мустаҳкамлаш яна бир асосий вазифа ҳисобланади. Фақат шу йўл билангина ШҲТ минтақасида тинчлик, барқарорлик ва фаровонликни таъминлаш мумкин.

Ушбу принципиал ёндашувлардан келиб чиқиб ва бугунги халқаро вазиятни ҳисобга олган ҳолда, мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев ШҲТни 2040 йилгача ривожлантириш стратегиясини тайёрлашга киришиш таклифини илгари сурди. Ушбу дастуриламал ҳужжат кўп қиррали ҳамкорликнинг барча йўналишларини қамраб олиш, ШҲТни узоқ муддатли ривожлантиришнинг устувор йўналишини белгилаб бериш мақсадини кўзлайди. Бунда иқтисодиёт, савдо ва инвестиция соҳасидаги ҳамкорликнинг амалий таъсирчанлигини ошириш ғоят муҳим. Бу масала минтақада барқарорликни таъминлаш ва мамлакатлар аҳолиси фаровонлигини оширишнинг асосий шартларидан биридир.

**Нодирбек РАСУЛОВ, Прогнозлаштириш ва иқтисодий тадқиқотлар институти эксперти:**



— Давлатимиз раҳбари ўз чиқишида ШҲТ мамлакатлари иқтисодиётларининг бирбирини ўзаро тўлдириб боришдаги афзалликларини ҳисобга олган ҳолда, мавжуд салоҳиятни максимал даражада оширишга чақирди. Шу муносабат билан ШҲТнинг янги иқтисодий мулоқотини бошлаш асосида саноат ва технологик ҳамкорликнинг умумий маконини шакллантириш таклиф этилди. Унинг асосий вазифаси савдо ва божхона тўсиқларини бартараф этишга, кафолатланган ва барқарор ишлаб чиқариш ҳамда таъминот занжирларини шакллантириш, маҳаллийлаштириш ва импорт ўрнини босишга қаратилган қўшма дастурларни рағбатлантиришни кўзда тутади. Қолаверса, мазкур вазифа ўзаро сармояларни ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш, уларни, биринчи навбатда, инфратузилмани ривожлантириш, рақобатбардош саноат ва хизмат кўрсатиш соҳасига йўналтириш орқали яратилган савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг барча механизмини бирлаштириш ва фаоллаштиришдан иборат бўлади.

Президентимиз мамлакатлар ўртасида кенг кўламли иқтисодий ҳамкорликни таъминлаш ва амалий ҳамжиҳатликнинг аниқ натижаларига эришиш мақсадида Ўзбекистонда ШҲТ минтақаларининг бизнес шериклиги ҳафталигини ўтказиш, саноат кооперациясини чуқурлаштириш ва ўзаро савдони рағбатлантириш мақсадида ШҲТ мамлакатлари махсус иқтисодий зоналари альянсини тузиш таклифини илгари сурди. Бунинг амалий ифодаси ўлароқ, Президентимиз иштирокчи давлатларни келгуси йилда Самарқандда “Ўзбекистон — ШҲТ” саноат зонаси базасида махсус зоналар администрациялари раҳбарларининг биринчи учрашувини ўтказишга чақирди.

Яна бир чора-тадбир сифатида ҳар йили ШҲТ йирик савдо ярмаркасини ўтказишни, унинг асосида ягона электрон платформа яратишни таклиф этди. ШҲТ саммити якунида эришилган Минтақалараро савдони ривожлантириш бўйича қўшма ҳаракатлар режаси бунга ёрдам беради.

Шу ўринда яна бир таклифга тўхталиш жоиз. Коронавирус пандемияси ва дунёдаги ишончсизлик, қарама-қаршиликлар саҳнида озиқ-овқат хавфсизлиги муаммоси глобал кун тартибига чиққан. Муаммо ШҲТга аъзо давлатларга ҳам тегишли. Президентимиз тўғри таъкидлаганидек, ташкилот мамлакатлари қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларининг йирик ишлаб чиқарувчилари, экспорт ва импорт қилувчилари бўлишига қарамасдан, ШҲТ майдончасида озиқ-овқат хавфсизлиги масалалари бўйича ҳали жиддий ҳамжиҳатлик йўлга қўйилмаган. Ваҳоланки, бу давлатлар салоҳияти ички бозорларни бошоқли экинлар, чорвачилик ва мева-сабзавот маҳсулотлари, асосий озиқ-овқат турлари ҳамда зарур ўғитлар билан мунтазам таъминлаш имконини беради. Шу муносабат билан давлатимиз раҳбари Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг умумий тамойиллари ва ёндашувларини ишлаб чиқиш таклифини ўртага ташлади. Ушбу ҳужжатда мавжуд норматив-ҳуқуқий базани яқинлаштириш, биргаликда тадқиқотлар ўтказиш ва янгиликларни жорий этиш бўйича аниқ чора-тадбирларни назарда тутиш муҳим аҳамиятга эгалиги таъкидланди.

**«Халқ сўзи».**

# ТИНЧЛИК ВА ЭЗГУЛИК ОВОЗИ БЎЛИБ ЖАРАНГЛАГАН АНЖУМАН

*Инсоният тараққиётга эришгани сайин дунё ҳамжамиятини мураккаб вазиятга солиб қўяётган муаммолар ҳам кўпайиб бормоқда. Буни экологик муаммолар, терроризм ва экстремизм, шунингдек, бир қатор давлатлар ўртасидаги низолар мисолида ҳам кўриш мумкин. Бу эса яна кўплаб муаммоларни юзага келтираётгани, хусусан, дунёнинг тинчлиги ва хавфсизлигига соя солаётгани ҳеч кимга сир эмас.*



Ана шундай мураккаб шароитда бўлиб ўтган Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Самарқанд саммити тинчлик ва эзгулик овози бўлиб жаранглади, десак, айни ҳақиқатдир.

Негаки, бу анжуман 14 та давлат раҳбарлари, юзлаб халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этгани билан ҳам инсоният тарихидан муқим жой эгаллади.

Айтиб ўтиш жоизки, Ўзбекистон Шанхай ҳамкорлик ташкилотига асос солган давлатлардан бири сифатида унинг фаолиятида муҳим роль ўйнаб келмоқда. Хусусан, мамлакатимиз ташаббуслари ШҲТ халқаро нуфузини ва салоҳиятини юксалтиришга ва кўп томонлама шерикликни мустаҳкамлашга хизмат қилиб келаётгани бугун дунё афкор оммасига яхши маълум.

Президент Шавкат Мирзиёев ШҲТ Давлат раҳбарлари кенгашининг кенгайтирилган мажлисидаги нутқида атрофимизда бўлаётган воқеалар фонида саммит алоҳида, тарихий аҳамиятга эга эканини таъкидлади. ШҲТ ўз тараққиётининг янги, янада масъулиятли босқичига қадам қўймоқда. Унинг зиммасида ҳамкорликнинг кўплаб устувор вазифаларини биргаликда ҳал қилиш масъулияти турибди.

Эътироф этиш керакки, Ўзбекистоннинг 2021-2022 йилларда ШҲТга раислиги қизғинлиги, мазмундорлиги ва натижаларга бойлиги билан алоҳида ажралиб турди. Пандемия ва глобал инқироз оқибатларига қарамай, раислик режаси тўла амалга оширилди, яъни 80 дан зиёд йирик тадбирлар ўтказилди. Бу тузилма доирасида ахборот-коммуникация технологиялари, озиқ-овқат хавфсизлиги, камбағалликни қисқартириш борасидаги ҳамкорликнинг янги формат ва механизмлари ишга туширилди.

Шу билан бирга, иқтисодиёт, саноат, инновациялар, туризм, соғлиқни сақлаш, халқ дипломатияси, гендер тенглиги, аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришга қаратилган масалалар бўйича форумлар, конференциялар ва бошқа тадбирлар юқори савияда ташкил этилди.

Давлатимиз раҳбари бу галги саммитда ҳам ШҲТ доирасидаги кўп қиррали ҳамкорликнинг долзарб масалалари юзасидан аниқ таклифлар ва амалий ташаббусларни илгари сурди.

Таъкидлаш ўринлики, “Шанхай руҳи” тамойиллари асосида бирдамлик, ўзаро қўллаб-қувватлаш ва шерикликни мустаҳкамлаш яна бир муҳим вазифа ҳисобланади. Бу ҳақда сўз юритган давлатимиз етакчиси таъкидлаганидек, биз фақат шу йўл билангина ШҲТ минтақасида тинчлик, барқарорлик ва фаровонликни таъминлашимиз мумкин.

Шу принципиал ёндашувлар ва бугунги халқаро вазиятни ҳисобга олган ҳолда, Президетимиз ШҲТни 2040 йилгача ривожлантириш стратегиясини тайёрлаш таклифини илгари сурди. Мазкур дастурий ҳужжат кўп қиррали ҳамкорликнинг барча жабҳасини қамраб олиш, ШҲТни узоқ муддатли ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаб беришга қаратилган бўлади.

Саммит иштирокчилари ва кузатувчилари Ўзбекистон Президентининг нуфузли тадбирни юқори даражада ташкил қилиш билан бирга, қатор ташаббуслар кўрсатганини мамнуният билан эътироф этдилар. Аслида ҳам, Самарқанд саммити дунёда тинчлик ва барқарорликни таъминлашга йўналтирилган ташаббус ва ғояларга бой бўлди.

Бугун бемалол айта оламизки, Ўзбекистон томонидан илгари сурилган барча ташаббуслар нафақат ШҲТ маконида, балки бутун дунёда тинчлик-осойишталикни таъминлаш ва тараққиётга эришишда дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

**Баҳодир ТОЖИЕВ, Олий Мажлис Сенатининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси раиси.**

## ШҲТ саммити:

# ДОЛЗАРБ ЙЎНАЛИШЛАРНИ БЕЛГИЛАБ ОЛИШ ИМКОНИЯТИ

*Самарқанд шаҳрида шу йилнинг 15-16 сентябрь кунлари йирик халқаро анжуман — Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг навбатдаги саммити бўлиб ўтди.*



Айтиш ўринлики, давлатлар ўртасида дўстона, тенг ҳуқуқлиликка асосланган манфаатли алоқаларни кенгайтириш, минтақавий ва халқаро ҳамкорликни жадаллаштириш ҳамда хавфсизликни таъминлашга қаратилган Самарқанд саммити аграр соҳада олиб борилаётган кенг қамровли шерикликнинг янада ривожланишига ҳам хизмат қилиши, шубҳасиз.

Зеро, ШҲТнинг навбатдаги саммити давомида ташкилотга аъзо мамлакатларнинг “ақлли” қишлоқ хўжалиги ва агроинновацияларни жорий этиш соҳасидаги ҳамкорлиги концепцияси имзоланди. Глобал озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш тўғрисида баёнотлар қабул қилинди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда ер муносабатларини тартибга солиш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, қишлоқ хўжалигини модернизациялаш, соҳага бозор муносабатларини кенг жорий этишга қаратилган изчил ислоҳотлар амалга оширилди.

Хусусан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича мева-сабзавотда 41,6 млрд. сўмлик — 12, ёғ-мой, ун, нон ва макарон ишлаб чиқаришда 134,4 млрд. сўмлик — 33, гўштсутда 50,1 млрд. сўмлик — 14, бошқа озиқ-овқат йўналишида 59 млрд. сўмлик 25 та лойиҳа ишга туширилган ҳолда, кўплаб иш ўринлари яратилди.

Қувонарлиси, 59 та агрологистика маркази томонидан жами 171 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ва хизматлар кўрсатилди. 10,7 млн. долларлик жами 12,2 минг тонна қайта ишланган ҳамда ҳўл мева-сабзавот маҳсулотлари 14 та давлатга, хусусан, ШҲТга аъзо мамлакатларга экспорт қилингани эътиборга молик.

Аммо шунга қарамай, дунёда содир бўлаётган глобал воқеалар сабаб бугунги кунда озиқ-овқат маҳсулотлари нархи тобора ўсиб бормоқда. Йил бошидан жаҳон бозорларида буғдой нархи — 20, маккажўхори — 19, озуқа донлари — 20 ва ўсимлик ёғи 23 фоизга кўтарилган. Бу эса ушбу соҳада стратегик халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш зарурлигини тақозо этмоқда.

Шу жиҳатдан, Президентимиз иштирокчиларнинг эътиборини мамлакатлар қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларининг йирик ишлаб чиқарувчилари, экспорт ва импорт қилувчилари бўлишига қарамасдан, ШҲТ майдонида озиқ-овқат хавфсизлиги масалалари бўйича ҳали жиддий ҳамжиҳатлик йўлга қўйилмаганига қаратди.

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг умумий тамойиллари ва ёндашувларини ишлаб чиқишни таклиф қилди. Ушбу ҳужжат эса товар ва хизматларнинг эркин ҳаракатини таъминлаш учун мавжуд норматив-ҳуқуқий базани уйғунлаштиришга, озиқ-овқат танқислигининг олдини олиш, мамлакатлар бозорларини ўзаро тўлдириш мақсадида товарларни маркировкалаш ва божхона жараёнларини рақамлаштиришга хизмат қилади.

БМТ маълумотига кўра, икки йил ичида озиқ-овқат танқислигидан азият чекаётганлар сони икки баравар кўпайди. Пандемиядан олдинги 135 миллионлик кўрсаткич 276 миллионга етди. Бугунги кунда баъзи ҳудудларда бўлаётган сиёсий зиддиятлар, қуролли тўқнашувлар ва урушлар натижасида ушбу рақамлар 323 миллиондан ошиб кетган. Қайта тикланмайдиган табиий ресурсларнинг чеклангани озиқ-овқат хавфсизлиги муаммосини янада кескинлаштирмоқда.

Шу боис ҳам саммитда келгуси йили Ўзбекистонда озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича халқаро конференция ўтказиш таклифи илгари сурилдики, шубҳасиз, бу мамлакатимизда етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини дунё давлатларига яна бир бор намойиш этиш имкониятини беради.

Мухтасар айтганда, Самарқанд саммити ташкилот нуфузини ошириб, барча соҳада халқаро ришталарнинг янада ривожланишига замин яратади. Зеро, кўҳна ва ҳамиша навқирон Самарқанднинг шонли тарихий мероси саммитга ўзига хос руҳ бағишлаб, янги ҳамкорлик уфқларини кенгайтиришига ишонамиз.

**Равшан МАМУТОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси раиси.**

# ТАРАҚҚИЁТГА ХИЗМАТ ҚИЛУВЧИ МАҚСАДЛАР

*Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Самарқанд саммити тузилмага аъзо давлатларнинг ички ва ташқи сиёсатида тараққиёт учун муҳим йўналишларни белгилаб олишга хизмат қилди.*

*Анжуманда қабул қилинган 40 дан ортиқ ҳужжатларнинг асосий ташаббускори давлатимиз раҳбари эканлиги таҳсинга сазовордир. Глобаллашув жараёнлари, қолаверса, пандемия билан боғлиқ вазиятда таълим, соғлиқни сақлаш, иқтисодиётни рақамлаштиришнинг аҳамияти нечоғли зарурлигига барчамиз амин бўлдик.*



Эътиборлиси, инсон капиталини ривожлантириш, ихтисослаштирилган таълимни равнақ топтириш, IT соҳасидаги касбларни оммалаштириш, IT-корхоналар учун институционал шароитларни яхшилаш ва маъмурий тўсиқларни камайтириш бўйича ислоҳотлар мамлакатимизда аллақачон бошлаб юборилган.

Эндиликда бу йўналишдаги ҳамкорлик ШҲТга аъзо давлатлар ўртасида ҳам жадал ривожланади. Рақамли саводхонликни равнақ топтириш бўйича ШҲТ дастури қабул қилинди ва бу барча соҳадаги алоқаларни мустаҳкамлашга, аъзо давлатлар фуқароларининг имкониятларини оширишга хизмат қилади.

IT инфратузилмасини яхшилаш, аҳоли, айниқса, ёшларнинг бу борадаги саводхонлигини ошириш — давр талабидир. Аслида, рақамли саводхонлик жуда кенг тушунча. Бу ахборот олиш, билим эгаллаш, касб-ҳунар ўрганиш, меҳнат фаолияти билан шуғулланиш каби инсон ҳаётининг муҳим йўналишларини қамраб олади.

Шунингдек, рақамли саводхонлик жамиятнинг барча йўналиши ривожланишига, аъзо давлатлар аҳолиси ўртасида мулоқот ва дўстлик муҳити мустаҳкамланишига, янги технологияларга ижобий муносабатни шакллантиришда ҳам катта аҳамиятга эга.

Рақамли технологиялар ва рақамли иқтисодиёт бўйича бутун дунёда етакчилардан бўлган Ҳиндистон, Хитой ва бошқа давлатлардаги амалий тажрибаларни оммалаштириш орқали керакли ижобий натижаларга эришилади. Бу борадаги ҳамкорлик аъзо давлатларнинг иқтисодиётини рақамлаштириш, замонавий кадрларни тайёрлаш ҳамда жаҳон бозори талабларига мос таклифларни яратишга хизмат қилади.

Умуман олганда, мазкур саммит доирасида қабул қилинган қарорлар мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни фаол ривожлантириш, барча тармоқ ва соҳаларда, энг аввало, давлат бошқаруви, таълим, соғлиқни сақлаш, қишлоқ хўжалигида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишда муҳим асос бўлади.

**Шоҳиста ТУРҒУНОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

# СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ

## тўртинчи саноат инқилоби даврининг етакчи технологияси

*Дунё сиёсатчилари, эксперт ва мутахассислар Самарқандда бўлиб ўтган Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг навбатдаги саммити ва унинг доирасида маъқулланган глобал ва минтақавий аҳамиятга эга долзарб ҳужжатларни юқори баҳоламоқда. Маълумки, ушбу анжуман доирасида 44 та ҳужжат имзоланиб, бу борада ташкилот тарихида рекорд кўрсаткичга эришилди. Улар орасида ШҲТга аъзо давлатларнинг сунъий интеллектни ривожлантириш бўйича ҳамкорлик дастури ҳам муҳим ўрин тутади.*

*Хўш, сунъий интеллект нима?*



Ҳозирги давр — бу ўзгариш даври, тўртинчи саноат инқилоби даври. Сунъий интеллект ушбу жараённинг ажралмас қисми, ҳаттоки етакчи технологияси ҳисобланади. У иқтисодиёт ва ижтимоий соҳалар — банк, чакана савдо, соғлиқни сақлаш, таълим, энергетика, саноат, логистика ва қишлоқ хўжалигида кенг қўлланилади. Сунъий интеллект ривожланиш учун тасаввур қилиб бўлмайдиган салоҳият ва имкониятларга, айни пайтда янги муаммо ва таҳдидларга ҳам эга.

Жаҳонда бўлаётган рақамлаштириш жараёнлари ҳар сонияда мисли кўрилмаган миқдордаги маълумотларни ҳосил қилади. Илгари, сунъий интеллект фойдаланиши учун маълумотлар тўпланиши, тозаланиши, ажратилиши, тузилиши ва стандартлаштирилиши керак эди. Бугунги кунда сунъий интеллект бу ишларни ўзи бажаради ва турли боғлиқ бўлмаган манбалардан тартибсиз, сараланмаган маълумотларни йиғиб олиб, таҳлил қилиб, фойдали маълумотларни ажратиб, улардан фойдаланиш ва бошқаришни соддалаштириш учун уларни саралаши, шунингдек, ахборотни керакли одамларга ўз вақтида етказиши мумкин.

Маълумотларнинг ҳажми ва хилмахиллиги, шунингдек, сунъий интеллектнинг уларни таҳлил этиш ва тартибга солиш қобилияти маълумотларни анонимлаштириш, шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш муаммосини келтириб чиқаради.

Шунингдек, сунъий интеллектдан кенг фойдаланиш концептуал равишда меҳнат бозори, таълим ва ўқитишга таъсир қилади. Сунъий интеллект тизимлари одамлар ўрнини ижодий фаолият соҳасида ҳам эгаллай бошлаган, аммо тиббиёт, таълим, маданият, ҳуқуқ ва бошқа шу каби ахлоқ билан боғлиқ йўналишларда сунъий интеллектдан жуда эҳтиёткорлик билан фойдаланиш керак.

Бугунги куннинг яна бир тенденцияси — метаборлиқ (метавселенные). Бу ҳам янги имкониятлар ва хавфлардир. Симуляцияларда сунъий интеллект энг тўғри ёки фойдали ечимни ҳисоблаш учун сон-саноқсиз сценарийларни тузишга имкон бериши мумкин. Шунингдек, тизимлар ҳамда жисмоний шахсларнинг рақамли аналогларини яратиши, истеъмолчилар гуруҳларининг хатти-ҳаракатларини башорат қилиши, уларнинг ўзаро таъсирини симуляциялаши, бозорлар вазиятларини ёки юз бериши кутилган муваффақиятсизликларни, масалан, таъминот занжирлари бўйича башорат қилиши мумкин. Виртуал дунё одамларга, шу жумладан, имконияти чекланган шахсларга чексиз имкониятлар бериши барчага аён. Технологияларнинг инклюзивлигини ошириш, сунъий интеллект имкониятларидан бутун инсоният манфаати учун самарали фойдаланиш муҳимдир.

Катта маълумотлар, суперкомпьютерлар ва машинавий ўқитиш алгоритмлари соҳасидаги технологик ютуқлар туфайли сунъий интеллект илгари ечимини тасаввур қилиб бўлмайдиган муаммоларни ҳал этишга қодир бўлиб бормоқда. У интеллектуал ўйинларда жаҳон чемпионларини мағлуб этади, дастурлайди, математик теоремаларни исботлайди, мақолалар ёзади, мусиқа басталайди ва расмлар чизади. Чат-ботлар аллақачон “Turing” синовидан ўтди. Буларнинг барчаси бир вақтнинг ўзида қувонтиради ва қўрқитади. Сунъий интеллектнинг тўлиқ иқтисодий қийматини, шунингдек, хатарларини баҳолаш ва башорат қилиш жуда қийин.

Жаҳон сунъий интеллект бозори кескин ўсиб бормоқда. Масалан, пандемия туфайли тижоратда онлайн харидларни жорий қилиш кенгайди, бундан ташқари, сунъий интеллект мижозлар билан ишлаш, омборхоналарни ва таъминот занжирини бошқариш, ақлли тавсиялар ва чат-ботлар учун фойдаланилмоқда.

Ўз навбатида, ШҲТга аъзо давлатлар ҳам сунъий интеллектни ривожлантиришга катта эътибор қаратмоқда. Улардан баъзилари сунъий интеллектни ривожлантириш бўйича миллий стратегияларини қабул қилишганига анча бўлди.

Масалан, сунъий интеллект технологияларининг ривожланиш даражаси бўйича Хитой ҳозирги кунда АҚШдан кейин иккинчи ўринда турибди ва ўн йил ичида бу соҳада сўзсиз дунё етакчисига айланмоқчи. Хитой Халқ Республикаси 2030 йилгача сунъий интеллектни ривожлантириш бўйича стратегик давлат дастурини қабул қилди. Унда сунъий интеллект технологиялари келгуси ўн йил ичида миллий иқтисодиётни ривожлантиришнинг асосий мезони бўлиши ва Хитой учун глобал меҳнат тақсимотида янги бозорларни забт этишда афзалликларни яратиши кўзда тутилган.

Ушбу технология Россияда ҳам жуда тез ривожланмоқда, жумладан, мамлакатда “Yandex”, “Mail.ru Group” каби сунъий интеллект соҳасидаги дастурлар ва тизимларни ишлаб чиқадиган йирик компаниялар мавжуд.

Шу билан бирга, бугунги кунда ШҲТга аъзо бошқа давлатлар ҳам сунъий интеллектни ривожлантириш сари қадам ташламоқда.

Ҳиндистон соҳадаги етакчи давлатлардан бири сифатида нафақат иқтисодий ўсиш, балки ижтимоий интеграция йўлида ҳам ундан кенг фойдаланишга эътибор қаратган. Сунъий интеллект стратегияси доирасида ўзига хос ёндашувни амалга оширмоқда. Мазкур стратегия жамиятни тараққий эттиришни кўзлаган бўлиб, аҳолини сифатли иш билан таъминлаш, иқтисодий ўсиш ва ижтимоий таъсирни максимал даражада ошириши билан аҳамиятлидир.

Сунъий интеллектни ривожлантиришнинг глобал тенденцияларини ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон ҳукумати ҳам бу йўналишга катта эътибор қаратмоқда. Ушбу соҳани тартибга солувчи бир қатор ҳукумат қарорлари қабул қилинди. Масалан, мамлакатнинг 2022 — 2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегияси тасдиқланган ҳамда Сунъий интеллектни ривожлантириш стратегияси ҳам ишлаб чиқилган. Давлат даражасидаги қарорлардан ташқари, бу соҳада халқаро ҳамкорлик ҳар қачонгидан ҳам муҳимроқдир. Шу жиҳатдан ҳам ШҲТга аъзо давлатларнинг сунъий интеллектни ривожлантириш бўйича ҳамкорлик дастурининг имзоланиши дунё аҳолисининг деярли ярмини ташкил этувчи — “ШҲТ оиласи”нинг умумий манфаат, тинчлик ва фаровонлик йўлида саъй-ҳаракатларини бирлаштириш имконини беради.

**Аюбхон СУЛТОНОВ, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Сунъий интеллект технологияларини жорий қилиш ва ривожлантириш департаменти бошлиғи.**

# ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯНИ ОММАЛАШТИРИШ БОРАСИДАГИ ИШЛАР ҚОНИҚАРЛИМИ?

1

Жумладан, 7 — 10 ёшли болалар ўртасида "Қувноқ стартлар", шахмат-шашка спорт турлари бўйича мусобақаларда 630 минг нафар, 2 миллион 174 минг нафар 11 — 15 ёшли ўсмирлар ўртасида енгил атлетика, шахмат-шашка, стол тенниси, минифутбол бўйича спорт мусобақалари ўтказилди.

Бундан ташқари, 254 та спорт мактабининг йўриқчи-услубчи штат бирликлари ҳисобига спорт мактаби директорининг оммавий спортни ривожлантириш ва селекция бўйича ўринбосари лавозими жорий этилди. 9 349 та маҳаллага спорт мактабларининг тренерлари ва умумий ўрта таълим мактабларининг жисмоний тарбия фани ўқитувчилари бириктирилди.

Депутатлар соҳада олиб борилаётган ишларни эътироф этиб, давлат спорт-таълим муассасалари фаолиятини ривожлантириш бўйича кўрилаётган чоралар ҳамда амалга оширилаётган ишлар юзасидан саволлар беришди.

А. Икромов қайд этганидек, давлат спорт-таълим муассасалари фаолиятини мутлақо янги тизим асосида ташкил этиш бўйича кенг кўламли ишлар қилинмоқда. Хусусан, 279 та болалар-ўсмирлар спорт мактаби ва уларнинг филиаллари негизида замонавий спорт инфратузилмасига эга бўлган 254 та спорт мактаби ташкил этилди. Жойларда аҳоли сони ва уларнинг қизиқишлари инобатга олиниб, спорт мактабларида олимпия спорт турлари бўйича спортчилар тайёрлашга қаратилган янги тизим яратилди.

Шунингдек, иқтидорли спортчиларни профессионал таълим билан қамраб олиш, улар иқтидорини тўла намоён қилишлари учун зарур шарт-шароит яратиш мақсадида олимпия ва паралимпия захиралари коллежлари негизида олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказлари очилди. Бугунги кунда ушбу марказларда ўқиш жараёни 13 та устувор ва ихтисослаштирилган олимпия спорт турлари бўйича икки босқичда амалга оширилаётир. Яъни биринчи босқичда 5 — 11-синфлар учун олимпия мактаблари, иккинчи босқичда 1 ва 2-курслар учун олимпия ҳамда паралимпия коллежлари фаолият кўрсатмоқда.

Вазир ахборотида келтирилганидек, спортга ихтисослаштирилган олий таълим муассасалари фаолияти йўлга қўйилиб, уларда ҳозирги кунда спорт турлари ҳамда адаптив жисмоний тарбия ва спорт ихтисосликлари бўйича тренерлар етишиб чиқяпти. Спорт турлари ҳамда адаптив жисмоний тарбия ва спорт ихтисосликлари бўйича олий маълумотли кадрлар тайёрлаш 2018 йилдагига нисбатан 26 фоиз ошган.

Савол-жавобга бой бўлган "Ҳукумат соати"да депутатлар мавжуд муаммоларни бартараф этиш ва соҳа истиқболига қаратилган бир қатор таклиф ва тавсиялар беришди. Муҳокамалар сўнгида кун тартибидаги масала юзасидан самарали парламент назоратини таъминлашга келишиб олинди.

**«Халқ сўзи».**

# МАДАНИЯТ ОБЪЕКТЛАРИ ВА СПОРТ ИНШООТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ҲОЛАТИ ЎРГАНИЛДИ

1

Натижада мазкур соҳаларда айрим камчилик ва муаммолар борлиги аниқланди. Жумладан, мазкур туманлардаги маданият марказлари кутубхоналарига маҳаллий аҳоли деярли жалб қилинмаяпти, маҳалла етакчилари ва спорт иншоотлари раҳбарлари ўртасида ҳамкорлик йўлга қўйилмаган, мавжуд тўгаракларга, асосан, мактаб ўқувчилари келади, уюшмаган ёшлар эса умуман четда қолиб кетяпти.

Сенаторлар томонидан ушбу муаммоларни бартараф этиш юзасидан тегишли кўрсатма ва тавсиялар берилди.

Қўмита аъзоларининг ҳудуддаги ўрганишлари давом этмоқда.

# ҚОНУН ИЖРОСИ БИЛАН БОҒЛИҚ КАМЧИЛИКЛАР АНИҚЛАНДИ

Сенатнинг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси Қ. Бурҳонов бошчилигидаги республика ишчи гуруҳи томонидан Навоий вилоятида олиб борилаётган ўрганишлар давомида дастлаб "Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида"ги Қонуннинг ер қаъри участкаларида олтин изловчилар усулида қимматбаҳо металларни қазиб олишга оид қисми ижросига алоҳида эътибор қаратилди.

Ўрганиш чоғида аниқланган камчилик ва муаммолар соҳа масъуллари, мутахассислар ва экспертлар иштирокида муҳокама қилинди.

Сўнгра ишчи гуруҳ Навбаҳор туманидаги Берансой даласида бўлиб, у ерда ноқонуний олтин қазиб олиш билан боғлиқ ҳолатларни ўрганди.

Шу жараёнда ҳудудда ноқонуний олтин қазувчилар томонидан бир нечта ўраларда қазиш ишлари олиб борилгани ва бу тегишли буюмларнинг ташлаб кетилганидан маълум бўлди.

Келгусида бундай ҳолатларнинг олдини олиш ҳамда назоратни янада кучайтириш мақсадида мутасаддиларга кўрсатмалар берилди.

Маълумот ўрнида айтиш жоиз, ушбу ишчи гуруҳ таркибида Фавқулодда вазиятлар ва Ички ишлар вазирликлари, Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси, Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси ҳузуридаги Конгеология фаолиятини назорат қилиш инспекцияси, Навоий ихтисослаштирилган прокуратураси масъуллари ҳам фаолият олиб бораётир.

Ишчи гуруҳнинг ўрганишлари давом этмоқда.

**«Халқ сўзи».**

# ВАЗИРЛИК АҲОЛИ МУРОЖААТЛАРИНИ ҚАЙ ДАРАЖАДА ҲАЛ ЭТЯПТИ?

*Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларида кўтарилган масалалар қай даражада ҳал этилаётганлиги тўғрисида"ги ахборот тингланди.*



## Эшитув

Таъкидланганидек, бугун мамлакатимизда одамларнинг ҳар бир кунидан рози бўлиб яшаши учун уларнинг дарду ташвишига қулоқ тутиб, дуч келган муаммоларини бартараф қилиш, маҳаллага тушиш, халқ орасида бўлиш, муаммоларни жойида ҳал этиш барча давлат хизматчилари фаолиятида асосий мезонга айланди.

Жойларда жонли мулоқотлар ва сайёр қабуллар йўлга қўйилгани одамларда катта умид ва ишонч уйғотди. Давлат идоралари мутасаддилари қуйига тушиб, аҳоли эҳтиёжлари ва талаблари асосида ишлашни бошлади. Хусусан, барча вазирлик ва идоралар қатори Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида ҳам аҳоли мурожаатлари билан ишлаш, уларни қийнаб келаётган муаммоларни аниқлаш ва бартараф этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Таҳлилларга кўра, шу йилнинг ўтган даври мобайнида жисмоний ва юридик шахслардан 6 319 та электрон, 2 233 та ёзма, 536 та оғзаки, жами 9 081 мурожаат келиб тушган. Уларнинг аксарият қисмини ўқишни кўчириш ва қайта тиклаш, қабул жараёни ҳамда ўқишга қабул қилиш, диплом олиш, таълим муассасаси фаолиятига оид, шартнома тўлови, ишга жойлашиш ва бошқа шунга доир масалалар ташкил этади.

Мурожаатларнинг 1 308 таси Тошкент шаҳри, 1 178 таси Қашқадарё вилояти, 927 таси Сурхондарё вилояти, 860 таси Тошкент вилояти, 784 таси Самарқанд вилояти, 593 таси Фарғона вилояти, 3 431 таси эса бошқа ҳудудлардан тушган. Уларнинг 3 734 тасига тушунтириш берилган бўлса, 1 112 таси ҳуқуқий маълумот бериш орқали ҳал этилган. 340 таси эса ижобий ҳал қилинган. Қолаверса, кўплаб мурожаатлар ҳудудий идоралар ҳамда тегишли вазирлик ва ташкилотларга юборилган. Қолган мурожаатлар кўриб чиқилмоқда.

Ахборотда келтирилганидек, жорий йилнинг 8 ойи давомида тасдиқланган жадвалга мувофиқ, Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Бухоро, Қашқадарё, Навоий, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳрида фуқаролар мурожаатлари билан ишлашни самарали ташкил этиш, мурожаатларни кўриб чиқишда натижадорликни ошириш, уларнинг сонини камайтириш мақсадида вазирлик раҳбарияти томонидан 8 маротаба сайёр қабул уюштирилган. Юзма-юз мулоқотлар чоғида кўплаб фуқароларнинг мурожаатлари жойида ҳал этилишига эришилган.

Шунингдек, ҳисобот даврида 8 та таълим муассасасида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш натижалари бўйича ўрганишлар ўтказилган ҳамда аниқланган камчиликлар бартараф қилинган.

Йиғилишда депутатлар вазирлик томонидан амалга оширилган ишларни юқори баҳолаб, аҳоли мурожаатлари бўйича янгича тизимда ишлаш юзасидан тегишли таклиф ва тавсиялар берди.

Якунда кун тартибидаги масалалар юзасидан қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

**«Халқ сўзи».**

Мутолаа




# 100 МИНГ КИТОБ ФОНДИГА ЭГА КУТУБХОНА ИШ БОШЛАДИ

*Қўқон шаҳридаги собиқ Автойўл коллежи кутубхонаси ўрнида замонавий мезонлар асосида таъмирланган мумтоз шоир Амирий номидаги кутубхона фойдаланишга топширилди.*

Уни мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлашга 1,5 миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарфланди.

Эътиборлиси, Қўқон шаҳар ҳокимлиги томонидан кутубхонага 5 мингта китоб совға қилинди. Шунингдек, шаҳар аҳли томонидан ҳам кутубхонага 2 мингдан зиёд бадиий адабиётлар ҳадя этилди.

**Ботир МАДИЁРОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# ОЛМА-ОТАДА ЎЗБЕКИСТОН ТОВАР-ХОМАШЁ БИРЖАСИ ВАКОЛАТХОНАСИ ОЧИЛДИ

1

"Олма-ота шаҳрида Ўзбекистон республика товар-хомашё биржаси ваколатхонасининг очилиши биржа савдосининг бозор механизми имкониятларидан фойдаланган ҳолда тадбиркорлар ва товар ишлаб чиқарувчиларнинг икки қардош давлат бозорларига ўзаро киришларини осонлаштиришга қаратилгандир", деди у.

"Cargill" компанияси бошқарувчи директори Юрий Иоффе Қозоғистоннинг молиявий-иқтисодий маркази бўлган Олма-отада Ўзбекистон республика товар-хомашё биржаси ваколатхонаси очилишини қутлади. Унинг айтишича, очиқлик ва мижозлар учун тенг рақобат шароитларини таъминлаш тамойиллари ўзаро товар айирбошлашнинг янада ўсишига ҳисса қўшади, икки давлат тадбиркорларига савдоларда иштирок этиш имконини беради.

Учрашув давомида томонлар, шунингдек, амалий ҳамкорлик масалаларида, жумладан, электрон платформаларда биржа савдоларини ташкил этиш бўйича ўзаро тажриба алмашиш, биржа савдосининг замонавий шакллари, усул ва технологияларини шакллантириш ҳамда такомиллаштиришда кўмак кўрсатиш масалаларини муҳокама қилдилар.

**«Дунё» АА.**
Олма-ота

# ҚУРИТИЛГАН МЕВАЛАР 10 ГА ЯҚИН ДАВЛАТЛАРГА ЭКСПОРТ ҚИЛИНЯПТИ

*Юртимизда томорқа хизмати кўрсатувчи корхоналар фаолият бошлагач, оддий деҳқонларнинг ҳам меҳнати қадр топгани рост. Гап шундаки, аҳоли томорқада етиштирган маҳсулотларини шартнома асосида уларга сотиб, бундан яхшигина фойда ҳам кўряпти.*



## Интилиш

Биргина мисол, Пайариқ туманидаги "Челак томорқа хизмати" масъулияти чекланган жамияти бугунги кунда 10 турдаги меваларни қуритиб, қадоқлаб 10 га яқин хорижий давлатларга экспорт қиляпти.

— Корхонамизда 50 нафар ходим ишлайди, — дейди жамият мутахассиси Камолиддин Усмонов. — Унга қарашли 40 гектар токзорда 40 кишининг бандлиги таъминланган. Шунингдек, аҳоли томорқаларида етиштирилаётган меваларни шартнома асосида қабул қилиб, қайта ишлаб, экспортга чиқаряпмиз.

Бир пайтлар бир неча ўн киши бажарган ишни бугунги кунда биргина дастгоҳ амалга оширяпти. Масалан, майиз АҚШдан келтирилган махсус ускуна ёрдамида чўп ва бошқа чиқиндилардан тозаланади, ювилади ва қутиларга жойланади.

— Серқуёш ўлкамизда етиштириладиган мева-чевалар шираси юқорилиги, мазаси бетакрорлиги билан ажралиб туради. Қолаверса, улар қуритилганда янги, янада яхшироқ, узоқ сақлаш мумкин бўлган маҳсулотларга айланади, — дейди пайариқлик Олимжон Мирзақобилов. — Сўнгги йилларда мева-сабзавотлар экспорти ошиши ортидан томорқамизда етиштирилган маҳсулот мўмайгина даромад келтиряпти.

Корхона ўтган йили хорижга 3,5 миллион долларлик қуруқ мева сотган бўлса, бу йил 6 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилишни режалаштирган.

**«Халқ сўзи».**

РЕКЛАМА

**Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Тошкент «Темурбеклар мактаби» ҳарбий-академик лицейи**

профессор-ўқитувчилар лавозимларига
**ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

**1. Ўқитувчи (математика фани ўзбек ва рус тилида ўқитиладиган гуруҳларда)** — 2 ўрин.

**2. Ўқитувчи (биология ўзбек ва рус тилида ўқитиладиган гуруҳларда)** — 1 ўрин.

**3. Ўқитувчи (кимё ўзбек ва рус тилида ўқитиладиган гуруҳларда)** — 1 ўрин.

**4. Ўқитувчи (тарих ўзбек ва рус тилида ўқитиладиган гуруҳларда)** — 2 ўрин.

"Темурбеклар мактаби"нинг ўқитувчи лавозимига ўтказиладиган танловда олий маълумотли ва камида 5 йил узлуксиз педагогик стажга эга бўлган шахслар иштирок этади. Илмий унвон ва илмий даражаси бор номзодларга устуворлик берилади.

**Танловда қатнашиш учун номзодлар томонидан қуйидаги ҳужжатлар тақдим қилинади:**

- "Темурбеклар мактаби" директори номига ариза;
- паспорт нусхаси (ҳужжатларни топшириш вақтида паспортнинг асл нусхаси кўрсатилади);
- олий маълумоти тўғрисидаги диплом ва ваколатли давлат органининг хорижий таълим муассасасидан берилган олий маълумот тўғрисидаги ҳужжатга мувофиқлик олинганлиги тўғрисидаги гувоҳнома;
- меҳнат дафтарчасининг нусхаси;
- ўтказилган аттестация натижалари бўйича берилган сертификат нусхаси;
- 3,5х4,5 см. ўлчамдаги 4 та рангли фотосурат.

**Танловда қатнашиш учун номзодлардан ҳужжатларни қабул қилиш мазкур эълон берилган санадан бошлаб 20 кун давом этади.**

Шунингдек, автотранспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш бўйича (В ва С тоифали) "ЙЎРИҚЧИ" лавозимига ишга таклиф қилади.

**Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Тошкент «Темурбеклар мактаби» ҳарбий-академик лицейи манзили: Тошкент шаҳри, Мирobод тумани, Янгизамон кўчаси, 10-«А» уй.**
**Мурожаат учун телефонлар: 71-291-48-26; 90-910-38-95.**



# ФАОЛ ИШБИЛАРМОНЛИК МУҲИТИ

## ТАДБИРКОРЛАРГА ҚАНОТ БЎЛМОҚДА

*Иқтисодиёт драйвери, тараққиёт таянчи — тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ жараёндир. Бозорни рағбатлантириш, бандликни таъминлаш деганда, бизнес вакиллари, ишбилармонлар, уларнинг лойиҳалари кўз олдимизга келади. Бу сектор фаолияти давлат даражасида қўллаб-қувватланаётгани боиси ҳам шунда.*

Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ва бизнес лойиҳаларини молиявий томондан қўллаб-қувватлашда "Агробанк" АТБ ҳам сезиларли амалий ишларни олиб бормоқда.

Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастури доирасида амалга оширилаётган ишларга эътибор қаратадиган бўлсак, ҳудудлардаги хотин-қизлар, ёшлар ўз бизнесини бошлаб, даромад манбаига эга бўлаётганлигини кўришимиз мумкин.

— Тадбиркорнинг аниқ мақсади ва бизнес лойиҳаси бўлса, қисқа фурсатда йирик кўрсаткичларга эришиши мумкин, — дейди тадбиркор, "Biznes Garden Park" МЧЖ раҳбари Фарҳод Носиров. — Далда, куч, бу — Президентимизнинг бизга бераётган ёрдами, ишончи бўляпти. Қуйи Чирчиқ туманидан 22 гектар ер олиб, "Агробанк"нинг молиявий кўмаги асосида иш бошладик. Етиштираётган олмаларимизнинг ички бозорда ҳам, ташқи бозорда ҳам ўз харидорлари бор. Даромадимиз ҳам фаолиятимизга яраша ошиб бормоқда, ўтган йилнинг ўзидаёқ 500 миллион сўм даромад олдик. Бу йил 1,5 миллиард сўм даромадни мўлжаллаб турибмиз.



— Оилавий клиникамизни очгандан сўнг айтиш мумкинки, аҳолининг узоғи яқин бўлди, сифатли тиббий хизматга талаб қондирилди, — дейди "Фориш шифо" клиникаси бош шифокори Беҳзод Сувонов. — Клиникамиз қад ростлаган ҳозирги жой бир пайтлар ташландиқ ер эди. Тадбиркорларга берилаётган имкониятлардан фойдаланиб, "Агробанк"дан кредит олиб шу ишга киришдик. Оилавий шифокорлармиз, олтита йўналишда хизмат кўрсатамиз, ўзим жарроҳман. Муассаса фаолият бошлагач 20 га яқин тиббиёт ходимлари ишли бўлди. Клиникамизда уролог, невропатолог, гинеколог ва бошқа тиббий йўналишдаги мутахассислар бор. Ҳар куни ўрта ҳисобда 120 га яқин кишиларга тиббий хизмат кўрсатилаётир.




РЕКЛАМА

Ҳақиқатан ҳам, "Агробанк" хизматларидан фойдаланиб, янгидан-янги лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этаётган тадбиркорлар юртимизнинг ҳар нуқтасидан топилади.

Масалан, Фарғонанинг Марғилон шаҳрида "Учкўприк ипаги" корхонасининг ташкил этилганига узоқ вақт бўлмади. Аммо бу ерда ишлаб чиқарилаётган тайёр ипак маҳсулотлари экспортга чиқиб улгурди.

— Корхонамизда пиллани қайта ишлаш натижасида адрас, шойи, бахмал каби матолар ишлаб чиқарилади, — дейди "Учкўприк ипаги" корхонаси раҳбари Муҳаммаджон Мамажонов. — Банкдан олинган кредит маблағи асосида керакли ускуналар сотиб олдик. Ишчилар сонини кўпайтирдик. Ишлаб чиқараётган маҳсулотларимизни Тожикистон, Туркия каби давлатларга экспорт қиляпмиз...

Дарҳақиқат, бугун Ўзбекистон тадбиркорлар учун зарур шарт-шароитлар яратиш бўйича ислоҳотчи давлатга айланган. Ишбилармонлик муҳитини яхшилаш борасидаги чора-тадбирлар тадбиркорларга қанот бўлмоқда.

**Банк матбуот хизмати.**

*Хизматлар лицензияланган.*

# ЗИЁРАТ ТУРИЗМИ — ЎЗБЕКИСТОННИНГ «ТАШРИФ ҚОҒОЗИ»



1 Ислом цивилизацияси бешиги, маърифат ва маданият маркази сифатида танилган юртимизда динимиз ривожи, жаҳон илму фани тараққиётига ҳисса қўшган алломалар, мутафаккир олимлар, уламолар ва улуғ авлиёлар етишиб чиққан. Дунёда уларнинг муборак қадамжоларини зиёрат қилишга эҳтиёж юқори. Айни шу мақсадда, яъни ўзга маданиятлар билан яқиндан танишиш, бошқа ҳудуд тарихи, муқаддас зиёратгоҳлари ҳақида чуқур билимга эга бўлиш, муборак манзилларга ташрифларни назарда тутувчи зиёрат туризми шаклланди.

Зиёрат туризми — саёҳатчи ва зиёратчиларнинг диний (авлиёлар ҳаёти), тарихий (муқаддас жойлар тарихи) маълумотларга эга бўлиш, фалсафий дунёқарашни кенгайтириш, зиёратгоҳлардаги архитектура ва санъат асарларидан маънавий ва эстетик завқ олиш мақсадида одатий яшаш муҳитидан ташқарида жойлашган муқаддас жойларга дунёвий саёҳати ёки ибодатидир. Сайёҳликнинг мазкур йўналишида зиёратчилар ҳам диний, ҳам дунёвий мақсадлар билан ташриф буюради.

Ўзбекистон бугун дунёга янги имкониятларни очаётган, барқарор ривожланаётган, зиёрат ва саёҳат учун хавфсиз мамлакат сифатида янада кенгроқ танилмоқда. Президентимиз томонидан "Табаррук зиёрат" туризм концепциясининг тасдиқланиши, яқинда бўлиб ўтган Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Самарқанд саммитида аъзо давлатларда "2023 йилни туризмни ривожлантириш йили" деб эълон қилиниши унинг халқаро аҳамиятини яққол намоён этди. Албатта, амалга оширилаётган ислоҳотлар хорижликларнинг юртимизга ташрифи учун муҳим омил ҳисобланади.

Ҳозирги кунда зиёрат туризми салоҳияти юқори бўлган Индонезия, Малайзия, Ҳиндистон, Покистон, Бангладеш ва араб давлатларидан зиёратчиларнинг мамлакатимиз тарихий шаҳарлари, хусусан, Бухорога ташрифлари сонини ошириш белгиланган.

Биламизки, Бухоро "ислом динининг марказидир", "шариф шаҳар", "шаҳарлар имоми" каби номлар билан эъзозланади. Шаҳар, айниқса, нақшбандия тариқатига асос солинган замин бўлганлиги боис ҳам маълум ва машҳур. Бугун дунёда 40 миллиондан ортиқ нақшбандийлар мавжуд. Уларнинг аксарияти Туркия, Малайзия ва Индонезияда истиқомат қилади. Мазкур тариқатнинг етти пири зиёратгоҳларининг ҳам бир жойда, яъни Бухорода эканлиги мусулмон зиёратчилари, айниқса, нақшбандийларни ўзига доим чорлаб туради. Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в)дан бошланган "силсилаи заххоб" (олтин занжир) ҳалқаларининг ўнинчидан ўн олтинчигача бўлган пиру комиллари — Абдухолиқ Ғиждувоний, Ориф Ревгарий, Анжир Фағнавий, Али Ромитаний, Бобойи Самосий, Амир Кулол ва Баҳоуддин Нақшбанд бир заминдан эканлиги камдан-кам мусулмон мамлакатларида учрайдиган зиёрат йўналишидир.

Халқ орасида "етти пир" номи билан машҳур, воҳанинг бешта туманида жойлашган 160 километрлик йўналишни ташкил этувчи мазкур зиёратгоҳлар бугун халқаро зиёрат йўналишига киритилган. Давлат дастурлари доирасида зиёрат йўллари таъмирлана бошланди. Ҳар бир зиёратгоҳда "ҳалол" талабларига жавоб берадиган меҳмонхоналарнинг барпо этилгани зиёратчиларга қулайлик яратиш билан бирга, воҳада қолиш давомийлигини узайтирди.

Таҳлилларга эътибор қаратадиган бўлсак, хорижий зиёратчиларнинг Бухорода ўртача қолиш муддати дастлаб 1-2,5 кунни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2018 йилда 2-2,5 кун, 2019 йилда 2,5-3 кунга етган. 2019 йилги маълумотларга кўра, 215 минг 483 нафар сайёҳ ва зиёратчи 1-3 кун, 4 358 нафари 4 – 7 кун, 669 нафари 8 – 28 кун, 63 нафари 29 – 91 кун оралиғида Бухорода тунаб қолишган. Албатта, ҳар бир кун ҳудуд учун хорижий валюта, даромад, хизмат кўрсатиш, деганидир.

Мусулмон зиёратчилар ташрифининг ошиши ўз-ўзидан "ҳалол" талабларини соҳага тезкорлик билан кенг жорий қилишни талаб этади. Чунки зиёратчи эҳтиёжларининг асосий қисми меҳмонхонада кечади. Меҳмонхона учун қўйилган асосий меъёрлар хоналарда қибланинг аниқ йўналиши, намоз ўқиш учун етарлича шароит, намоз вақтлари тахтаси, етарли жойнамозлар сони, таҳорат олишга қулайлик кабиларни ўз ичига олади. Жаҳонда бундай меҳмонхоналар "шариатга хос", "мусулмонларга қулай", "исломий меҳмонхона", "диний меҳмонхона" номлари билан юритилади. Воҳада ҳам бу борада ишлар олиб борилиб, "Emirs Garden", "Жондор", "Шаҳристон", "Голубые купола", "Атлас", "Шарқ", "Rangrez", "Poykent Bukhara" каби ўнга яқин меҳмонхоналар айни талабга мосланмоқда. Нафақат хорижий меҳмонлар, балки маҳаллий зиёратчилар ҳам бугун меҳмонхона танлашда "ҳалол" талабларига эътибор қаратмоқда.

Ўтказилган тадқиқотлар натижаларига кўра, зиёратчилар меҳмонхона танлашда биринчи ўринда "ҳалол" стандартлар, иккинчи ўринда чўнтакбоп нархлар ва учинчи ўринда тарихий қисмда жойлашувига эътибор қаратмоқда. Дунё тажрибасига назар ташлайдиган бўлсак, юқоридаги хизматларни ўз ичига олган саёҳат тури "мусулмон туризми", "ҳалол саёҳат", "исломий саёҳат", "ҳалол дўстона туризм" номлари билан аталади.

Бугунги кунда Бухорода 29 объект зиёрат туризми йўналишига киритилган. Лекин воҳада яна бошқа кўплаб зиёратгоҳлар мавжуд бўлиб, уларда инфратузилма яхши бўлмагани боис маҳаллий даражада қолиб кетган. Биргина Бухоронинг 500 гектарлик эски шаҳар қисмида 83 та, туманларда 200 дан ортиқ шундай зиёратгоҳ ва муқаддас қадамжолар мавжуд. Президентимиз топшириғига кўра, Бухорода зиёрат туризми объектлари инфратузилмасини яхшилаш учун маҳаллий бюджетдан 40 миллиард сўм ажратилгани зиёратгоҳларни халқаро йўналишга киритишда муҳим қадам бўлади.

Воҳа турли-туман зиёрат объектларига эга бўлиб, улар асосида мавзувий зиёрат туризми йўналишларини ишлаб чиқиш мумкин. Масалан, пайғамбар ва унинг авлодлари билан боғлиқ (Аюб алайҳиссалом, Довуд алайҳиссалом, Ҳазрат Хўжа Уббон), тасаввуф алломалари билан боғлиқ (Желоний, Зинда фил Аҳмади Жомий, Сайфиддин Бохарзий, Хўжа Исматуллоҳ Бухорий, Шоҳи Ахсий Файзобод), ҳунармандчилик пирлари билан боғлиқ (Хожа Асбгардон, Бобойи Порадўз, Хожа Булғор, Бурқи Сармаст), аёллар номи билан аталувчи (Биби Орифа, Биби Махсумаи Пок, Қиз Биби, Чилдухтарон), шифобахшлик хусусиятига эга (Хожа Зафарон, Саричашма, Туяовул чашмаси, Қўтирбулоқ, Биби Кабудпўш) зиёратгоҳларни яратиш шулар жумласидан. Мазкур янги йўналишларни ташкил этиш ёндош хизмат турларининг ривожига, янги иш ўринлари очилиши, қишлоқ ва маҳаллаларнинг шаҳарлашувига хизмат қилади.

Умуман олганда, зиёрат туризмининг ислом дини ва маданияти тарихини чуқурроқ ўрганиш, мамлакатимизнинг сайёҳлик нуфузини ошириш ва зиёрат туризми маркази сифатида танитишдаги ўрни беқиёс. Бу борадаги ишларни амалга оширишда хориж тажрибасини ўрганиш, соҳада тажрибали мутахассислар, тадқиқот олиб бораётган олимларни жалб этиш мақсадга мувофиқ. Илмий ёндашувларга асосланган ҳолда соҳани йўлга қўйиш мустаҳкам пойдевор қўйиш билан баробар. Зеро, илмга таянилган ҳар қандай иш ўз самарасини кутилганидан кўп бериши аллақачон исботини топган.

Шу маънода, соҳага қаратилаётган эътибор, давлат ислоҳотлари, узоқни кўзлаган дастурлар юртимизни саёҳатлар чорраҳаси, туризм марказига айлантиради, деб ишонамиз.

**Шавкат БОБОЖОНОВ,**
**Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих институти таянч докторанти.**

## Қулайлик

# Дубайдан Самарқандга авиақатновлар йўлга қўйилди

*Бирлашган Араб Амирликларининг "FlyDubai" авиакомпанияси Дубайдан Самарқандга мунтазам авиақатновларни йўлга қўймоқда. Кеча мазкур компаниянинг Дубай — Самарқанд йўналиши бўйича илк қатновни амалга оширган ҳаво кемаси Самарқанд халқаро аэропортида тантанали равишда кутиб олинди.*

Шу муносабат билан ўтказилган матбуот анжуманида "FlyDubai" авиакомпанияси ва унинг Ўзбекистондаги ҳамкорлари, Транспорт, Туризм ва маданий мерос вазирликлари масъуллари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

— Бугунги кунда мамлакатимизда парвозлар географиясини кенгайтириш, бу орқали маҳаллий ва хорижий сайёҳларга қулайлик яратиш мақсадида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар натижасида нафақат пойтахт, балки бошқа вилоят шаҳарларида ҳам хорижий авиакомпанияларни жалб қилган ҳолда халқаро йўналишларда мунтазам парвозлар йўлга қўйилмоқда, — дейди Ўзбекистон Республикаси транспорт вазири ўринбосари Ж. Чориев. — Жумладан, янгиланган Самарқанд халқаро аэропортининг имкониятларидан фойдаланиш мақсадида хорижий авиакомпаниялар учун чекловлар олиб ташланиб, бешинчи даражадаги ҳаво эркинлиги жорий этилди. Бу мазкур аэропортга рейсларни кўпайтириш орқали сайёҳликни жадал ривожлантиришга катта ёрдам беради.

Бирлашган Араб Амирликларининг "FlyDubai" авиакомпанияси жаҳондаги салоҳиятли авиаташувчилардан бири ҳисобланади. Мазкур компания авиапаркининг янгилиги, хизмат кўрсатиш сифати ҳамда даражасининг юқорилиги ва юздан ортиқ йўналишларда парвозларни амалга ошириши у билан ҳамкорлик истиқболларини белгилайди. Шу боис мазкур компания Дубай ва Самарқанд шаҳарлари ўртасида мунтазам қатновларни йўлга қўйди.

Қайд этилишича, авиакомпания томонидан Дубай — Самарқанд — Дубай йўналишида парвозлар ҳозирча чоршанба ва шанба кунлари, октябрь ойининг якунидан эса ҳафтада тўрт марта амалга оширилади, келгусида эса ҳар куни қатновни йўлга қўйиш режалаштирилган.

Шунингдек, 24 сентябрдан Дубай — Наманган йўналишида ҳам парвозлар амалга оширилиши маълум қилинди.

Шу ўринда айтиш кераккки, бугунги кунда Ўзбекистон ва БАА ўртасида мунтазам авиақатновлар сони ҳар икки томондан ҳафтасига жами 13 тани ташкил этмоқда.

Парвозлар "Uzbekistan Airways" АЖ, "Fly Dubai", "Air Arabia" авиакомпаниялари томонидан амалга оширилмоқда.

**Абдулазиз ЙЎЛДОШЕВ («Халқ сўзи»).**

## Мушоҳада

*Таълим ҳозирги кунгача инсоният тафаккури ила барча замонда тўпланган билимларни умумлаштириш билан машғул бўлган ва "Олам қандай яралган? Ҳаётнинг моҳияти нимадан иборат?" каби саволларга жавоб топишга интилган.*

*Жамият ҳаётининг ўзгариб бориши таълим-тарбияни ҳаракатлантирувчи кучдир. Муваффақиятли таълимнинг энг муҳим белгиси эса жамият ва инсоният тараққиёти талабларига жавоб бера олишидир.*

*XXI асрда кундалик ҳаёт кўламини ўзгартирган йирик ижтимоий феноменлар — технологик тараққиёт, глобал иқтисодиёт юз берди. Глобал иқтисодиётнинг илмий манзарасини экспоненциал ривожланиш, интернет, рақамли экотизимлар, блокчейн технологиялар, нанотехнологиялар, 3D-технологиялар каби омиллар ташкил этди. Технологик, ижтимоий, иқтисодий тенденцияларни ўрганиш, форсайт-таҳлиллар орқали келгусида қуввати силикон компьютерлардан миллиард марта ошиб кетадиган квант компьютерлари, наноуглеродли материаллар, вақт ўтиши билан ёки атроф-муҳит ўзгаришига қараб ўз шаклини ҳамда функциясини ўзгартирадиган объектларни лойиҳалашга имкон берувчи технологияларнинг яратилиши башорат қилинмоқда.*

# XXI АСРДА

## ҚАНДАЙ БИЛИМЛАРНИ ЭГАЛЛАШ КЕРАК?



Инглиз математиги ва адиби **Льюис Кэролл**нинг машҳур асарида Алисанинг "*Бизда иложи борича тезроқ югурганингизда, ўзингизни бошқа жойда топасиз*", деган фикрига жавобан қироличанинг "*Қандай секин мамлакат! Бизда эса худди шу жойда қолиш учун тезроқ югуриш керак! Агар бошқа жойга боришни истасангиз, унда камида икки баравар тезроқ югуришингиз зарур*!" деган сўзлари ҳозирги шиддатли ўзгаришлар замони, технологиялар асрининг концептуал моҳиятини ўзида акс эттиради.

Технократик ёндашув, табиатга антропоморф таъсирлар оқибатида Ерда йирик сиёсий, экологик муаммолар юзага чиқди. Шу билан бирга, маънавий хатарлар — альтруизм, ижтимоий интеллектнинг пасайгани қайд этилмоқда. XXI аср технологиялари инсон онгини тубдан ўзгартиришга муваффақ бўлди. Жаҳон иқтисодий форуми асосчиси **Клаус Мартин Шваб** эътироф этган "тўртинчи саноат инқилоби" тушунчаси вужудга келди.

Европа давлатлари раҳбарлари томонидан 2000 йил 22 июлда қабул қилинган **Глобал ахборот жамияти Окинава Хартиясида** таъкидланганидек, "*Ахборот алмашиш жараёнларини ривожлантиришда янги босқич бошланди. Локал ва глобал алоқа тармоқларининг тез тарқалиши трансчегаравий маълумотлар алмашинишнинг тубдан янги шаклини яратди*".

Замонавий жамият — француз социологи Жан Бодрийяр таъбирича, истеъмол қилишнинг ижтимоий феъл-атворларини белгилайдиган ва ишлаб чиқаришнинг ҳаракатлантирувчи омили бўлган консюмерлашган (истеъмол) жамиятидир.

Шахс XXI асрда мазмунан янги глобал ҳамжамият иштирокчисига айланди. Рақамли технологиялар шахснинг хатти-ҳаракат стратегиясини ўзгартириб, янги ижтимоий-маданий воқеликни шакллантирмоқда. Замонавий дунё вакили олдиндан айтиб бўлмайдиган ўзгаришлар шароитида фаолият олиб бормоқда. Илмий тадқиқотларда замонавий дунёни тавсифлашда экспертлар "**VUCA-дунё**" атамасидан фойдаланмоқда. Ушбу атама "volatility" — беқарорлик, "uncertainty" — ноаниқлик, "complexity" — мураккаблик, "ambiguity" — иккиланиш каби сўзларнинг акронимидир.

Маълумотларга кўра, дунёдаги мавжуд ахборотнинг 90 фоизи охирги 3-4 йилда пайдо бўлди. Вазият ва ҳодисаларни прогностик таҳлил қилишнинг имкони йўқлиги, виртуал воқелик, маълумотларнинг тез эскириш хусусияти VUCA-дунёнинг хусусиятлари ҳисобланади.

Соҳа тадқиқотчиларининг фикрига кўра, тез ўзгарувчан VUCA-дунёда улғайган авлод жуда тез қарор қабул қилиш, истеъмол культи, жадал юқори натижаларга эришиш истаги, социопатия (ижтимоий мулоқотдан қўрқиш), ўйинлар форматида ўрганиш, мураккаб жумлалар қуришга қодир эмаслик ва бошқа хусусиятларни намоён этади.

Анъанавий, чизиқли тамаддунда авлодларнинг ижтимоийлашуви катта авлод тажрибасини ўзлаштиришига узвий боғлиқ бўлган. Рақамли дунё дискурси дунёқараш ва қадриятлар тизими билан боғлиқ "авлодлараро узилиш"ни вужудга келтирди. Экспертлар томонидан авлодлар ўртасида нуқтаи назарлар, ҳаётий қарашлар борасида кескин фарқлар қайд этилмоқда.

Полинезия оролларида истиқомат қилувчи болаларнинг ижтимоийлашувини ўрганган америкалик антрополог, социолог **Маргарет Мид** таъкидлайди: *"Асрлар давомида болалар ўз ота-оналаридан ўрганганлар, бу ижтимоийлашувнинг табиий йўли эди. Сиз яхши бола бўлсангиз, аждодларингиз тажрибасидан ўрганишингиз керак"*.

Замонавий жамият ҳаётининг кейинги хусусияти — бу яқин вақтгача деярли ўзгармас ҳисобланган қадриятлар тизимини тубдан қайта кўриб чиқишга интилиш, бунинг оқибатида миллий маданиятларнинг парчаланишидир.

Ахборот жамиятининг концептуал воқелиги таълим тизими олдига янги вазифаларни қўймоқда. Хусусан, таълим парадигмасини ўзгартириш, шахсни ўзгаришларга тайёрлаш, янги билимларни ўрганиш, ижтимоий интеллект, экологик маданият, ўз хатти-ҳаракати ва қарорлари учун жавобгарлик ҳиссини таркиб топтириш, хавф-хатарларнинг олдини олиш, универсал билимлардан ижтимоий компетенцияларга ўтиш талаб этилмоқда.

Хўш, XXI асрнинг глобал хусусиятларига жавоб бера олиши учун бугунги кун таълими қандай тамойилларга асосланиши керак?

Биринчидан, узвийлик, яъни "Lifelong learning" — ҳаёт давомида таълим (шахсий имкониятларни муттасил ривожлантириш тамойили);

иккинчидан, гуманистик ёндашув (альтруизм, шахс камолоти, умумбашарий аҳамиятга молик муаммоларга эътибор, ўз хатти-ҳаракати ва қарорлари учун масъулият ва ахлоқий жавобгарлик ҳисси);

учинчидан, демократлашув (фуқаролик ҳамжамиятида яшаш кўникмалари, сиёсий тафаккур, инсон ҳуқуқларига ҳурмат, гендер сезгирлик);

тўртинчидан, фан ва ишлаб чиқаришнинг интеграцияси (замонавий таълим, ўқув дастурларининг мазмуни инновацион жараёнларга, ижтимоий-иқтисодий ривожланишга мослиги);

бешинчидан, ижтимоий компетенцияларни шакллантириш;

олтинчидан, интерфаол ахборот-таълим муҳити;

еттинчидан, "Web 3.0." технологиялар (ахборот билан ишлаш кўникмалари);

саккизинчидан, "Sustainable development", яъни барқарор ривожланиш, экологик маданият;

тўққизинчидан, "Global citizenship" — дунёвий онг, демократик тафаккур, глобал космополитик муаммоларга дахлдорлик ҳисси.

Замонавий тамаддун тараққиётнинг барқарорлигини таъминлайдиган инновацион ривожланиш моделига ўтмоқда. Жумладан, Ўзбекистон ҳам. **2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси**да таълим ва илм-фанни ривожлантириш, таълимнинг узлуксизлигини таъминлаш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос малакали кадрлар тайёрлаш муҳим вазифалар сифатида белгиланган. Мамлакатимизда ҳам, дунёда ҳам ижодий, ностандарт фикрлайдиган, фан ва ишлаб чиқаришда янги усулларни топа оладиган профессионал мутахассисларга эҳтиёж тобора ортиб бормоқда.

Тараққиёт шахс ва жамиятдан кескин кўпайиб борувчи билим ҳамда компетенцияларни талаб қилади. Бу, аввало, аҳолининг тобора кенг қатламларини қамраб олган ўқув тизимини шакллантириш, ҳаёт давомида таълим олиш масалаларига бориб тақалади.

Ўзгаришлар суръати мутахассисларнинг касбий компетентлигини ошириш, янги методикалар билан таништиришга хизмат қиладиган тизим — андрагогика, "adult education" (катталар таълими) олдига ҳам янги талабларни қўймоқда. Хусусан, таълимнинг янги парадигмасини англаш ва қабул қилиш, ахборот жамиятининг юксак суръатларига монандлик, юксак ахлоқий фазилатлар, касбий этика, фасилитация, тьюторинг, менторинг, коучинг асосларини билиш, илмий-назарий ва услубий тайёргарлик, шахс руҳиятига оид акмеологик-психологик билимлар, моддий-технологик база, илмий-методик ресурслар, интерфаол ахборот-таълим муҳити, концептуал мақсадларига йўналтирилган, илмий асосланган таълим контенти талаб этилмоқда.

Соҳа ривожи ўқув ва илмий тадқиқот фаолиятининг синтези, таълим ва амалиёт бирлиги, корпоратив таълим (тимбилдинг, коннективизм, академик мобиллик), сертификатлаш, хориж тажрибаси асосида такомиллаштириш билан боғлиқ.

Таълимнинг сифати профессор-ўқитувчининг касбий тайёргарлик даражасидан юқори бўла олмайди. Таълим берувчи эски категориялар билан фикр юритар экан, ҳеч қандай технология дарс самарадорлигини ошира олмайди.

Ўқитиш сифатини таъминлашда интерфаол ахборот-таълим муҳитини яратиш муҳим аҳамиятга эга. Ушбу ёндашув инсон шахсига ҳурмат, ижтимоий кўникмаларни ривожлантириш, таълимни демократлаштиришга асосланади.

Таълимнинг янгича мазмуни соҳани бошқаришни тубдан ўзгартиришни тақозо этади. Ўз вақтида ва тўғри қарор қабул қила оладиган, адолатпарвар, ресурсларни (вақт, молия, кадрлар, технологик) бошқара оладиган, кучли интуицияга эга, шижоатли, нотиқ, ташаббус кўрсата оладиган харизматик лидерларни шакллантириш масаласи ўта муҳим.

Муассасалар фаолиятини самарали ташкил қилишда корпоратив бошқарувнинг SMART-стратегия, тайм-менежмент, конфликт-менежмент (низоларни бошқариш), риск-менежмент (ўзгаришларни бошқариш), бошқарувга инновацияларни татбиқ этиш (KPI, форсайт) каби муҳим тамойилларини фаолиятга татбиқ этиш мақсадга мувофиқ.

Корпоратив бошқарувнинг замонавий механизмларини, KPI, ижодий рақобат ва касбий мотивацияни йўлга қўйиш, таълим жараёнини БМТ, ЮНЕСКО, USAID, DVV, INTEL, TED каби ташкилотларнинг соҳага оид ташаббуслари — дунёвий онг, шахс экологияси, гендер сезгирлик, низоларни бошқариш, барқарор ривожланиш, тизимда "WEB 3.0." имкониятларидан самарали фойдаланиш, замонавий ахборот-таълим муҳитини самарали ташкил этиш муҳим ўрин тутади.

Меҳнат бозорини ўрганиш, иқтисодиётнинг реал секторидаги талабни 10 — 15 йил олдин форсайт-прогнозлаш, илм-фан, таълим, бизнес уйғунлиги, технологиялар трансфери, ўқитиш сифатини баҳолашнинг PISA, TIMSS, PIRLS каби жаҳон стандартларини амалиётга татбиқ этиш, ходимларда "hard skills" (касбий-назарий тайёргарлик), "soft skills" (универсал кўникмалар), компетентликни ривожлантириш, соҳада халқаро ҳамкорлик, академик мобиллик, хорижий тажриба татбиқи кўзланган мақсадга эришишга ҳисса қўшади.

Йўқолиб кетиши кутилаётган касблар (*кутубхоначи, кассир, ҳайдовчи, радист, штурман, бухгалтер, нотариус, провизор, диспетчер*) ҳамда янги шаклланаётган рақамли касблар (*биоэтик, техномедиатор, Data Scientist (катта ҳажмдаги ахборотни тадқиқ этувчи), 3D муҳандис, нейропсихолог* ва ҳоказо) трансформацияси шароитида шахснинг хатарларни бошқариш, кутилмаган натижаларнинг эҳтимолини минималлаштириш каби кўникмаларини ривожлантириш улкан аҳамиятга эга.

Америкалик футуролог **Рэймонд Курцвейл** таъбирича: *"Катта ўзгаришлар келади. Онгимиз томонидан яратилган технологиялар муқаррар тарзда дунёни ўзгартиради"*.

Технологик тараққиёт контекстида умуминсоний тамаддуннинг ҳаётийлиги, ижтимоий тизимларнинг барқарорлиги, ижтимоий институтлар (таълим, маданият, оила) яшовчанлигини таъминлашда ахборот ва билимлар жамиятининг мазкур концептуал хусусиятларидан келиб чиқиш зарур.

Ушбу жараён XXI асрнинг глобал хусусиятларига мос бўлиб, жаҳон ҳамжамияти ҳаётида фаол иштирок этишга, барқарор келажакни таъминлашга хизмат қилади.

**Моҳира ХОЛИҚОВА,**
**Тошкент шаҳар Педагогларни янги методикаларга ўргатиш миллий маркази директори, фалсафа доктори, доцент.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 948. 23 666 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 71-233-52-55;*
*Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

· МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ф. Бозоров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.05 Топширилди — 23.30 1 2 3 4 5 6